

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


| | |
|--|-----|
| 1. Мухамедов Ҳайдарали Мелиевич АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИ..... | 5 |
| 2. Turgunov Murodjon Tursunbayevich ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ..... | 16 |
| 3. Ибрагимова Мухлиса Паридуновна ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ..... | 23 |
| 4. Ubaydullayev Abror Qutilla o‘g‘li ISLOM MOLIVASINI HUQUQIY VA TASHKILY JIHATDAN TARTIBGA SOLUVCHI XALQARO INSTITUTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA EVOLUTSIYASI..... | 29 |
| 5. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li SOLIQ MASALAHATINI AMALGA OSHIRISH PRINSIPLARI VA ULARNING TURLARI..... | 35 |
| 6. Ашурова Наргиза Аъзамовна ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ..... | 43 |
| 7. Амангельды Айжан Амангельдыкызы ПРАВОПРЕЕМСТВО ПРАВ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ..... | 54 |
| 8. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... | 74 |
| 9. Эшимбетова Дармон Уразбаевна КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ..... | 82 |
| 10. Казакбаев Туулбай Каримбаевич КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА ШАКЛИ ВА УНИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ..... | 90 |
| 11. Rasulov Bekzod Boymuratovich QURILISHNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH – BARQAROR RIVOJLANISH MEZONI..... | 98 |
| 12. Умарова Барно Акбутаевна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ..... | 107 |



Чориева Хуршидабону Хуррам қизи,
 Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
 Ижтимоий фанлар факультети Ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси
 Email: Xushnud0388@gmail.com

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

For citation: Chorieva Xurshidabonu Xurram kizi. ORGANIZATION OF GUARDIANSHIP AND TRUSTEESHIP ACTIVITIES. Journal of Law Research. 2023, Special issue 3, pp. 74-81

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10505570>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада васийлик ва ҳомийлик фаолиятини ташкил этиш бўйича умумий қоидалар, мазкур институтнинг ҳуқуқий асослари, васий ва ҳомийни тайинлаш асослари таҳлил қилинган. Васий ва ҳомий бўлиш учун қонунчиликда белгиланган асослар, бу борада олимларнинг ғоя ва қарашлари келтириб ўтилган. Янги Ўзбекистонда васийлик ва ҳомийлик институти масалаларига оид фикрлар баён этилган. Мақолада келтирилган фикрлар, ўрганилган илмий манбалар, олимларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларига таянган ҳолда хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: васий, ҳомий, умумий асослар, ҳуқуқий асослар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, васийликка номзод, ҳомийликка номзод, муомалага лаёқатсиз шахс, муомала лаёқати чекланган шахс.

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи,
 Преподаватель кафедры юридических наук факультета социальных наук
 Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
 Email: Xushnud0388@gmail.com

ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО ОПЕКЕ И ПОПЕЧИТЕЛЬСТВУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются общие правила организации опеки и попечительства, правовые основы этого института, а также основания установления опеки и попечительства. Приводятся правовые основания стать опекуном и попечителем, а также идеи и взгляды ученых на этот счет. Высказаны мнения по вопросам института опеки и попечительства в новом Узбекистане. Выводы были сделаны на основе мнений, представленных в статье, изученных научных источников, исследований, проведенных учеными в связи с этим.

Ключевые слова: опекун, попечитель, общие основания, правовые основания, права и обязанности, кандидат на опеки, кандидат на попечительство, недееспособное лицо, ограничено дееспособное лицо.

Chorieva Xurshidabonu Xurram kizi,
Lecturer at the Department of Legal Sciences of the Faculty of Social Sciences
of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Email: Xushnud0388@gmail.com

ORGANIZATION OF GUARDIANSHIP AND TRUSTEESHIP ACTIVITIES

ANNOTATION

This article analyzes the general rules of the organization of guardianship and trusteeship, the legal foundations of this institution, as well as the grounds for establishing guardianship and trusteeship. The legal grounds for becoming a guardian and trustee are given, as well as the ideas and views of scientists on this matter. Opinions were expressed on the issues of the institution of guardianship and trusteeship in the new Uzbekistan. The conclusions were made based on the opinions presented in the article, the studied scientific sources, and the research conducted by scientists in this regard.

Keywords: guardian, trustee, general grounds, legal basis, rights and obligations, candidate for guardianship, candidate for trusteeship, incapacitated person, partially capable person.

Ҳар бир давлат ўз истиклол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Бош қомуси ҳисобланган Конституцияда мустаҳкамлаб қўяди. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Янги Ўзбекистон тарихида муҳим сиёсий воқеликлардан бири 65 фоизга янгиланган, ўзида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси ҳамда кафолатига оид нормаларни мужассамлаштирган янги таҳрирдаги бош қомусимиз 2023 йилнинг 1 майидан эътиборан кучга кирди.

Янгиланган Конституциямизнинг айрим нормаларига эътибор берилса, унда инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устунлиги ғояси янги Конституция мазмунига чуқур сингдирилганлиги амалда ҳам ўз исботини топаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигидан келиб чиқиб, ўтган йиллар мобайнида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида жамлаган янги таҳрирда қабул қилинган Конституция бунга яққол мисол бўлади олади.

Янгиланган Конституция нормаларига синчиклаб назар ташланса, унда халқаро стандартлар ва илғор ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида мавжуд қоидалар ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг **XIV боби “Оила, болалар ва ёшлар”** деб номланди [1]. Бу эса, нафақат оила институтига, балки болалар ва ёшларнинг ҳам ҳуқуқларини мамлакатнинг Бош қомусида белгиланишига бўлган юксак эътибордан далолат беради, десак муболаға бўлмайди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг **77-моддасида** “ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантириши” белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган модданинг мазмунига қаралса, ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар сифатида васийлар ва хомийлар тушунилиши эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида васийлик ва ҳомийлик тушунчаларига қуйидагича таъриф берилган [2]:

Васийлик – 14 ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли.**

Ҳомийлик – 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган **вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси [3] ҳамда Оила кодексининг 21-боби (173-175-моддалар) [4]да ҳам васийлик ва ҳомийлик тушунчалари тўғрисида нормалар белгиланганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда васийлик ва ҳомийлик тизими яқин йиллар ичида ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш ўринли. Бу соҳа бўйича ўнга яқин норматив-ҳужжатлар мавжуд бўлиб, мазкур соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган қатор норматив асослар яратилмоқда. Хусусан:

- Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси [5];
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси [6];
- Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни [7];
- Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги

Қонуни [8];

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоӣ ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон Қарори [9];

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4736-сон Қарори [10];

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 269-сон Қарори [11];

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоӣ етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон Қарори [12];

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоӣ ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 739-сон Қарори [13] ва бошқа норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоӣ ҳаётнинг барча соҳаларида янги муносабатлар вужудга келаётганлиги барчага маълум. Шу жумладан, ҳуқуқӣ соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида янги миллий ҳуқуқӣ тизимлар вужудга келмоқда ҳамда уларнинг фаолияти шакллантирилмоқда. Айниқса, ҳуқуқ субъектларининг мақомини белгилаш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқӣ тартибга солишга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланишини қайд этиш жоиз.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш, одатда, шахснинг ўз хоҳиш ва манфаатларидан келиб чиқади ва бевосита шахснинг ўзи томонидан содир этилади. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари унинг хоҳиш ва истагидан келиб чиқиб, вакиллар орқали амалга оширилишига ҳам йўл қўйилиши қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Шу боис, фуқаролик-ҳуқуқий вакиллик қонуний ва шартномали турларга бўлинади. Ҳуқуқшунос олимларимиздан И.Б.Зокировнинг қарашларига кўра, вакил ўзида бўлган ваколатга биноан ўзини вакил қилувчига нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади [14]. Бинобарин, ваколат деб, вакилнинг бошқа шахс номидан муайян юридик ҳаракатлар қилишга ва шу билан у учун ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришга қаратилган ҳуқуқ тушунилади. Вакилнинг ваколатлари қонунга, суд қарорига, вакил қилинган давлат органларининг ҳужжатига ёки ишончномага асосланган бўлиши мумкин.

Шу жиҳатдан, вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз шахсларга ваколатли давлат органлари томонидан қонуний вакиллар, яъни, васий ёки ҳомийлар тайинланади.

Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс – ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс ҳисобланади.

Миллий қонунчиликда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар сифатида қуйидагилар белгиланган:

- етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан **махрум бўлган болалар**;
 - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга **жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар**;
- соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, **муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар.**

Васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар тоифасига қуйидагилар киритилган:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари **чекланган шахслар**;
 - суд томонидан **муомалага лаёқатсиз** ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;
 - собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олиш уларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки **лозим даражада бажармаганлиги**, ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмом қилганлиги, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, **сурункали алкоголизм** ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги оқибатида бекор қилинган бўлса;
 - ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмом қилганлиги учун васий ёки ҳомий **мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар**;
 - қасддан содир этган **жинояти учун** илгари ҳукм қилинган шахслар;
- васий ёки ҳомий этиб тайинланишига тўсқинлик қиладиган **касалликларга чалинган шахслар.**

Васий ва ҳомий васийлик ва ҳомийлик муносабатларининг энг фаол ва масъулияти юқори бўлган субъектлари бўлиб ҳисобланади. Айнан васий ва ҳомийлар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишни бевосита амалга оширувчи шахслар сифатида намоён бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик нормалари таҳлилига эътибор берилса, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасида фақат фуқароларгина, яъни, фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган шахс васий ва ҳомий бўлишлари мумкинлиги қайд этилган. Чунки, васий ва ҳомийлар бевосита вояга етмаганларни тарбиялаш

ва уларни моддий таъминлаш, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқароларни ва касаллиги сабабли ёрдамга муҳтожларни парваришлар ва уларга ғамхўрлик кўрсатишни амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 21-моддаси иккинчи қисмига биноан, вояга етган фуқаролар фақат ўз розилигига кўра васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин.

Бу қоидадан шу нарса англашиладики, васийлик ва ҳомийликни амалга оширишни мажбурий тарзда юклашга йўл қўйилмайди. Шу сабабли, васий ва ҳомий бўлиш истагида бўлган фуқаро ўз розилигини ариза билан мурожаат этиш йўли билан тасдиқлайди. Бундай аризанинг топширилиши талабгорнинг васийлик ва ҳомийлик қилишига розилигини англатади.

Рус олимларидан бири Ю.Усакованинг таъкидлашича, замонавий қонунчилик васий (ҳомий) тайинланишининг мажбурий шарти сифатида шахснинг васийлик мажбуриятларини бажаришга розилигини назарда тутди. Фақат хоҳиш-иродани, боланинг ота-онаси ўрнини босиш истагининг эркин ифодаланиши мувафакқиятли тарбиянинг асосий омили бўлиши ва бунда ғамхўрлик мажбурлашга асосланиши мумкин эмас. Бироқ, кишилар ўртасида бундай мажбуриятни зиммасига олиш истагида бўлган шахслар кўпчиликни ташкил этмайди ва, одатда, бундай мажбуриятни яқин қариндошлар ўз зиммаларига олган ҳолда бажарадилар [15].

Яна бир рус ҳуқуқшунос олим Р.В.Товмасыннинг фикрича [16], ўз-ўзидан равшанки, васий (ҳомий)ни аниқлашда нафақат муайян номзоднинг қонун талабларига формал мос келиши, балки бола ёки васийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг манфаатлари ҳам ҳисобга олинishi лозим. Шу сабабли, агар икки ёки ундан ортиқ номзод мавжуд бўлса устуворлик (афзаллик), агар фуқаролик ва оила қонунчилигига зид бўлмаса, яқин шахсга берилиши лозим. Бироқ, васийликдаги ёки ҳомийликдагилар учун бунинг ўзи етарли бўлмайди.

Бошқа бир рус олими О.Ю.Ильинанинг қарашларига кўра [17], васий ва ҳомийликка номзодни танлаш мезони бўлиб васийликдаги (ҳомийликдаги) шахснинг манфаатлари ҳисобланиши зарур. Бироқ, бу манфаат фуқаролик ва оила қонунчилигига зид бўлмаслиги лозим.

Юқорида таҳлил қилинган олимларнинг ғоя ва қарашларига қўшилган ҳолда шуни айтиш лозимки, васий ва ҳомийни танлашда васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг манфаатлари устувор тусга эга бўлиши зарур. Бундай устуворликнинг қонун нормаларига мос келмаслиги эса, формал талаб бўлиб, бу талабга нисбатан қонунчиликда истиснолар назарда тутилмоғи керак. Сабаби, қонунда формал талабларнинг қатъий белгиланганлиги васийлик ва ҳомийлик белгиланиши зарур бўлган шахслар: вояга етмаганлар ва ғамхўрликка муҳтожларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига путур етказди.

Васий ёки ҳомийнинг фаолияти, амалга оширадиган ишлари, зиммасига олган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга қаратилади. Бунда васий васийлиги остидаги шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган юридик ҳаракатлар билан бирга, ушбу шахснинг манфаатларини таъминлашга оид фактик ҳаракатларни ҳам амалга оширади [18].

Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 32-моддаси 1-қисмидан келиб чиқади. Мазкур нормага кўра, васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади [19].

Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти айнан ўз васийлигидаги ва ҳомийлигидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилишни назарда тутди.

Шу сабабдан, васий ва ҳомийларнинг ўз васийлигидаги ва ҳомийлигидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти, жумладан, судларда ҳам, бирон ишончнома ёки бошқа махсус ваколат берилишини талаб этмайди. Масалан, муомалага

лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини судларда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида қуйидагилар белгиланиши қайд этилган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият:

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари томонидан – вояга етмаганларга нисбатан;

туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан – суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни ушбу Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чоратadbирларини кўради.

Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Васий ва ҳомий васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахс номидан юридик ҳаракатни амалга оширар экан, энг аввало, унинг манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиши лозим. Акс ҳолда у томонидан амалга оширилган ҳаракат қонуний тус касб этмайди. Вояга етмаганлар манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширар экан васий қонунда белгиланган ўз мажбуриятларига риоя қилиши ва ваколатлари доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги”ги 269-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомда васийлик ва ҳомийлик органларининг ваколатлари, уларнинг вазифалари белгиланган. Бундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органларининг алоҳида функциялари ҳам келтириб ўтилган.

Юқоридаги Низом нормаларига кўра, судлар томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда васийлик ва ҳомийлик органларининг иштирокига оид талаблар мавжуд бўлиб, Оила кодексининг 88-моддасига мувофиқ, суд томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низолар кўриб чиқиладиганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, васийлик ва ҳомийлик органи ишда қатнашишга жалб қилиниши кераклиги белгиланган.

Васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади. Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас.

Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур шахснинг маблағи ҳисобидан

қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлаши мумкин. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий белгиланишига муҳтож бўлган вояга етган шахснинг ҳомийси ўз ҳомийлигидаги шахс талаби билан ҳомийлик мажбуриятдан озод қилиниши лозим. Бундай ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳомий тайинланишига муҳтож шахснинг розилиги билан унга бошқа шахсни ҳомий этиб тайинлаши мумкин. Умуман олганда, васий ва ҳомийлар ўзлари амалга оширган фаолияти юзасидан васийлик ва ҳомийлик органлари олдида масъул ҳисобланадилар. Улар тузган битим ва шартномалар агар васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахсларнинг манфаатлари бузилган бўлса, кейинчалик ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, янги Ўзбекистонда васийлик ва ҳомийлик институтини ривожлантиришу соҳадаги ишларни ҳар томонлама ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан васийлар ва ҳомийлар фаолияти устидан етарли даражада мониторинг мавжуд эмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Шу боис, қонунчиликка васийлик ва ҳомийликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг вазифаларини такомиллаштириш бўйича мазкур соҳага доир қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон (National Database of Legislation, No. 01.05.2023, 03/23/837/0241);
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 22.10.2021 й., 03/21/723/0983-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон (National Database of Legislation, 21.04.2021, No. 03/21/683/0375, 22.10.2021, No. 03/21/723/0983, 12.04.2023, No. 03/23/829/0208)
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.03.2023 й., 03/23/823/0150-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон (National Database of Legislation, 15.03.2023, No. 03/23/823/0150; 12.04.2023, No. 03/23/829/0208)
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 08.05.2023 й., 03/23/838/0257-сон (National Database of Legislation, 12.04.2023, No. 03/23/829/0208, 08.05.2023, No. 03/23/838/0257-сон)
5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 08.05.2023 й., 03/23/838/0257-сон (National Database of Legislation, No. 12.04.2023, 03/23/829/0208, No. 08.05.2023, 03/23/838/0257)
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон; 25.10.2023 й., 03/23/871/0797-сон (National Database of Legislation, No. 08.11.2022, 03/22/801/0998, No. 25.10.2023, 03/23/871/0797)
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 22.10.2021 й., 03/21/723/0983-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон (National Database of Legislation, No. 21.04.2021, 03/21/683/0375, No. 22.10.2021, 03/21/723/0983, No. 12.04.2023, 03/23/829/0208)
8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.03.2023 й., 03/23/823/0150-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон (National Database of Legislation, 15.03.2023, No. 03/23/823/0150; 12.04.2023, No. 03/23/829/0208)
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон (National Database of Legislation, No. 30.11.2021, 06/21/26/1111)
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 07/20/4736/0680-сон (National Database of Legislation, No. 29.05.2020, 07/20/4736/0680)

11. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2022 й., 09/22/62/0111-сон, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 04.09.2023 й., 09/23/434/0679-сон (National Database of Legislation, No. 08.02.2022, 09/22/62/0111, No. 05.04.2022 й., 09/22/153/0266, No. 04.09.2023, 09/23/434/0679)
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2022 й., 09/22/363/0600-сон; 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон (National Database of Legislation, No. 07.07.2022, 09/22/363/0600, No. 10.08.2022, 09/22/438/0726)
13. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 07.07.2022 й., 09/22/363/0600-сон (National Database of Legislation, No. 07.07.2022, 09/22/363/0600)
14. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. (Zakirov I.B. Civil law. Part I. - Tashkent: TSUI, 2009.)
15. Ускова Ю.В. Некоторые аспекты и проблемы установления опеки (попечительства) в Российском законодательстве // Научный журнал КубГАУ, 2014. №100(06). – 25 с. (Uskova Yu.V. Some aspects and problems of establishing guardianship (trusteeship) in Russian legislation // Scientific journal of KubSAU, 2014. No. 100(06). – p.25)
16. Товмасыян Р.В. Правовое регулирование опеки и попечительства в отношении несовершеннолетних: пробелы и противоречия // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2011. - №1 (26). – 139 с. (Tovmasyan R.V. Legal regulation of guardianship and trusteeship in relation to minors: gaps and contradictions // Bulletin of Omsk University. Series “Law”. 2011. - No. 1 (26). – 139 p.)
17. Ильина О.Ю. Интересы ребенка в семейном праве Российской Федерации. – М.: ОАО ИД «Городец», 2006. – 192 с. (Ilyina O.Yu. Interests of the child in family law of the Russian Federation. – М.: OJSC Publishing House “Gorodets”, 2006. – 192 p.)
18. Ашурова Н.А. Вояга етмаганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки. юрид.фан.номз.дис....Автореф. –Тошкент: 2008. (Ashurova N.A. Participation of minors in civil-legal relations. diss.Phd..Autoref. - Tashkent: 2008.)
19. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Тошкент: «Vektor-Press», 2010. (Review of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Volume 1 (Part One) Ministry of Justice. - Tashkent: “Vektor-Press”, 2010.)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000